

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Оқбоев, Н.Муталлиев

Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

И.Аскаров, А.Хаджикулов

Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов

Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

И.Аскаров, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров

М-ферроценилбензой кислотасининг метилолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

М.Акбарова

Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева

Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан заарланиши.....29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.Таджибаев

Рақамли иқтисодиёт нима?32

ТАРИХ

А.Азизов

Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини37

З.Рахманов, Р.Муродалиев

Фарона вилояти худудидаги мозор-қўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

Ж.Адилов

Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

Ж.Тоғаев

Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

Қ.Пўлатов

XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафқуравий тарғибот қуроли сифатида61

М.Тухтаева

Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

Б.Аббасов

Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Рахимов

Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

ТАРИХ

УДК: 931/936+930.26

ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯ МАСАЛАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР
НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ПО ВОПРОСУ ИСТОРИЧЕСКОЙ РЕКОНСТРУКЦИИ
SOME COMMENTS ON HISTORICAL RECONSTRUCTION

Ж.Тоғаев¹

¹ Ж.Тоғаев

— ЎзМУ, тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Қадимги давр тарихини ўрганишда тарихий реконструкция масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фанда мазкур масалада турлича ёндашувлар ва қарашлар мавжуд. Археологик тадқиқотлар натижалари ва ёзма манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида қадим ўтмишини қайта тиклаш мумкин. Мақолада археологияда тарихий реконструкция масаласи, қадимги давр тарихини тиклашдаги ёндашувлар мавжуд илмий тадқиқотлар таҳлили асосида ёритилган.

Annotation

Проблема исторической реконструкции имеет большое значение при изучении истории древности, в науке имеются разные подходы и взгляды на данный вопрос. По результатам археологических исследований и сравнительного анализа письменных источников можно реконструировать древнее прошлое. В статье рассматривается проблема исторической реконструкции в археологии, подходы к восстановлению древней истории на основе анализа существующих научных исследований.

Annotation

The problem of historical reconstruction is of great importance in the study of the history of ancient period, in modern science there are different approaches and views on this issue. Based on the results of archaeological research and comparative analysis of written sources, it is possible to reconstruct the ancient past. The article deals with the problem of historical reconstruction in archeology, approaches to the restoration of ancient history based on the analysis of existing scientific research.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий манбалар, тарихий реконструкция, археология, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маданий алоқалар, талқин, археологик ёдгорлик.

Ключевые слова и выражения: исторические источники, историческая реконструкция, археология, социально-экономические отношения, культурные связи, интерпретация, археологический памятник.

Keywords and expressions: historical sources, historical reconstruction, archeology, socio-economic relations, cultural ties, interpretation, archaeological sites.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидағи тарихий тадқиқотларни янги манбалар ва инновацион ёндашувлар асосида доимий ривожлантириш лозим. Маълумки, тарихни ўрганиш ва тадқик этишда турли манбалар муҳим аҳамиятга эга. Улар ўтмишини ўзида акс эттиришига кўра қуйидаги анъанавий туркумларга бўлинади: моддий, ёзма, этнографик, лингвистик манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари [1,8-11]. Шунингдек, инсон фаолияти натижасида (овчилик, чорвачилик, дехқончилик) ёдгорликларнинг маданий қатламларида сақланиб қолган фауна ва флора қолдиқлари, яъни палеозоология ва палеоботаника манбаларини ҳисобга олиш лозим.

Тарихни ўрганишда ёзма манбалар муҳим, аммо инсоният тарихининг ёзув пайдо

бўлмаган давргача узоқ ўтмишини (илк ёзма манбалар мавжуд даврни ҳам) ёритиша тарихчилар моддий ашёларга асосланадилар, негаки улар қадимги даврлар тарихий-маданий жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ўтмиш ҳақида турлича ахборотни ўзида сақлаб келган.

Фанда тарихий реконструкция масаласига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, тадқиқотимизда асосий эътибор археология маълумотлари асосида тарихий реконструкция масаласига қаратилган.

Хозирги даврда археологиянинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Археология материалларининг ижтимоий ва иқтисодий тизим, этник алоқалар ва қадимги миграциялар, этномаданий жараёнларни қайта тиклашдаги ўрни ва аҳамияти бекиёсdir [2, 4-15].

Айнан улар орқалигина тарихни ёритиш – тарихий маълумотларни ва далилларни олиш, уларни қиёслаш ва умумлаштириш, тарихий-маданий жараёнлар ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ҳамда оқибатларини, мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш имкониятлари кенгаяди. Оддийроқ қилиб айтганда, маълум манбалар ва уларни умумлаштирумай туриб, ҳаққоний тарихни яратиш мумкин эмас [3, 28].

Моддий манбалардан тарихий манба сифатида фойдаланиш, уларни тарихий нуқтаи назардан талқин қилиш катта аҳамиятга эга. Манбалар таҳлили асосида янги илмий маълумотларни қўлга киритиш, ўтмишда содир бўлган жараёнларни талқин қилиш мақсадида, ижтимоий, иқтисодий ва маданий реконструкция борасида самарали натижаларга эга бўлиш мумкин, илмий-назарий ва амалий услубларни ишлаб чиқиш зарурати ўз долзарблиги билан ажралиб туради [4, 5; 5, 62].

Ўрта Осиё тарих фанида археология манбаларига асосланган тарихий реконструкция масалаларини илгари суриш XX асрнинг 40-йиллари охирларида бошланган [6, 59-66]. Шу асрнинг 60-70-йилларидан археологияда табиий фанлар усувларининг қўлланиши ҳамда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик даври иқтисодий муносабатлари, аҳолининг ижтимоий тизими, турмуш тарзи ва эътиқодларини қайта тиклашда археология, этнография, палеофауна ва палеоботаника манбалари катта аҳамият касб этган [7; 8, 101-111]. Ёдгорликнинг моддий маданияти асосида ижтимоий ҳамда этномаданий моделлар реконструкцияси қадимги даврнинг долзарб масалаларини таҳлил этиш имконини беради [9, 6].

Шунингдек, “хўжалик-маданий типлар”, “тарихий-этнографик” ёки “тарихий-маданий вилоятлар” тушунчаларига эътибор қаратиш лозим. Энг қадимги даврлардан бошлаб, қабилаларнинг турлича табиий-географик шароитида жойлашганлиги манбалар ва илмий адабиётлардан маълум.

Табиий муҳит жамоа ишлаб чиқариши, моддий ҳамда маънавий маданияти ривожланишининг асоси бўлиб, турли шакллардаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди (термачилар, балиқилар, овчилар, дехқонлар ва

чорвадорлар маданиятлари). Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги яқин табиий-географик муҳит билан боғлиқ бўлган ҳолда, бир хил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланган [10, 98]. Марказий Осиёда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин, табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда худуднинг шимолий ва жанубий қисмida хўжаликнинг турли шакллари ривожланган [11].

Тарихий-маданий вилоятлар – бу, узоқ тарихий давр ичida аҳоли тарихий тақдирининг бирлиги шароитидаги ўзаро муносабатлари натижасида муайян маданий умумийлик шаклланган ҳудудлардир [12, 15-25]. Тарихий-маданий вилоятларда турлича хўжаликлар етакчи бўлиши мумкин эди (дехқончилик ва, аксинча, чорвачилик ёки тоғ-кон ишлаб чиқариш), бироқ этник ва маданий хусусиятлари жиҳатдан аҳоли умумий белгиларга эга бўлган.

Археологик манбалар ёзма манбалардан фарқли ўлароқ, муайян маълумотни сақлаш ва узатиш учун маҳсус яратилмайди [13, 10]. Бу жиҳатни моддий манбаларнинг алоҳида ўзига хослиги сифатида қайд этиш мумкин.

Инсоният тарихининг жудда катта даври моддий манбаларга таянган ҳолда қайта тиклаб (реконструкция) талқин этилиши барчамизга маълум [14, 5]. Шу ўринда “реконструкция” ва “тарихий реконструкция” атамаларига тўхталиб ўтиш жоиз. “Реконструкция” (лотинча “ge” ҳамда “constructio” – қурилиш) атамаси қуйидагича таърифланади: “1) мавжуд нарса (корхона, шаҳар, бино)ни яхшилаш, амалий аҳамиятини ошириш, такомиллаштириш мақсадида тубдан қайта қуриш; 2) қолдиқларига, ёзма манбаларга асосланиб, бирор нарса (масалан, меъморий ёдгорлик) қиёфасини, дастлабки кўринишини тиклаш, қуриш. Реконструкция чизма, расм, тасвир, лойиҳа ва ҳ.к. орқали амалга оширилади” [15, 301].

Тарихий реконструкция – бу, муайян тарихий давр ва худудга оид моддий ҳамда маънавий маданиятни археологик, ёзма ва тасвирий санъат манбалари ёрдамида тиклашdir [16]. Албатта, “реконструкция” атамаси “тарихий реконструкция” га нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

“Тарихий реконструкция” масаласи бир қатор файласуф, тарихчи олимлар, хусусан,

ТАРИХ

А.И.Уваров, В.П.Фомин, Э.Лооне, В.Ф.Земниек, В.Ф.Шаповалов, А.С.Уйбо, Т.М.Ларина, А.М.Кадер ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида [17, 4-10] ўзифодасини топган. Бу тадқиқотларда мазкур масала асосан фалсафий нұктай назардан таҳлил қилинганині алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Реконструкция” атамаси ёрдамчи тарих фани соҳалари, жумладан, археология, этнология, палеоантропология, палеозоология, палеоботаника, нумизматика, тарихий география, глиптика, сферагистика ва бошқа шу каби соҳаларда учрайди. Шунингдек, қадимги давр меъморчиллик тарихига оид тадқиқот ишларида мазкур атама кенг қўлланилади.

Қадим тарихни ўрганишда тарихий реконструкция масаласи долзарб мавзу ҳисобланади. Мутахассислар томонидан археологияда тарихий реконструкция масаласи ва археологик манбалар талқинига оид муҳим фикрлар қайд этилган.

Жумладан, британиялик археолог Г.Даниел археология маданий антропология ёки ижтимоий фанлардан ажралиб чиқкан, деган фикрга қарши чиқади [18]. Унинг фикрича, “археология – бу, далиллар орқали қадим тарихни тиклайдиган соҳа…”, шунинг учун кўплар “ибтидоий археология” ва “олд тарих” иккиси бир, деб ҳисоблади” [19, 311-320].

Археология фанини ибтидоий, антик ва ўрта асрлар моддий манбаларини ўрганадиган ва шу асосда кишилик жамияти тарихини қайта тиклайдиган фан сифатида ҳам талқин қилиш мумкинлиги қайд этилган [20, 33]. Демак, аниқланган манбаларни тарихий жиҳатдан таҳлил қила олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Археологик тадқиқотларнинг ривожланиши тарих йўналишидаги мутахассислар маҳсус тайёргарлигига эътибор қаратишни тақозо этди. Улар дала тадқиқотлари ва топилмалар билан таҳлил ишларини амалга ошириш кўнилмаларига эга бўлишлари ҳамда археологик манбаларни тарихий манба сифатида реконструкция қила олишлари керак [21, 4].

Умуман олганда, тарихий реконструкция масаласи археология фан сифатида шаклланган даврданоқ муҳим қисмлардан бири ҳисобланади. XX асрда тарихий-маданий меросни, маданий ҳаётни

“қайта тиклаш (реконструкция)” масаласи жаҳон миқёсида илмий муомаладаги энг қизғин мавзулардан бирига айланди.

Тадқиқотчи А.Кроебер маданият тарихини қайта тиклашдаги саъи-ҳаракатлари билан археология фанига эътибор қаратишни таъкидлайди. 1937 йилда нашр этилган “Ижтимоий фанлар энциклопедияси”да у қуйидаги фикрларни таъкидлаган: “Археология ибтидоий даврни ўрганувчи фан бўлиб, тарихий реконструкция унинг предметидир” [22, 163].

XX асрнинг 60-йилларида Ғарб тарих фанида “манзилгоҳлар археологияси” (“settlement archeology”) йўналиши шаклланди. Мазкур йўналиш ижтимоий реконструкцияларни амалга ошириш заруриятидан келиб чиқсанлигини қайд этиш мумкин [23, 237].

Дж.Кларк археология ва тарих фанлари соҳасида “реконструкция (қайта тиклаш)” терминининг ишлатилишини танқидий жиҳатдан таҳлил қиласи, унинг фикрича, мавжуд маълумотлар асосида моделларни (археологик ёдгорлик, турар-жой манзилгоҳи) “тиклаш” мумкин. Шунга кўра тадқиқотчи фикрича, мазкур жараёнга нисбатан “қайта тиклаш” эмас, балки “тиклаш” атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ [24, 63-73].

Л.Бинфорд қадимги тарихни ўрганишда учта мақсаднинг муҳимлигини таъкидлайди: 1) маданият тарихи реконструкцияси; 2) қадимги давр ҳаёти (турмуши ва хўжалиги) реконструкцияси; 3) маданий жараёнларни ўрганиш [25].

Америкалик тарихчи Т.Шлерет эса маданият тарихи билан шуғулланувчилар (археолог ва антропологлар) ни икки гуруҳга ажратади: “статик реконструкционистлар” ва “жараён реконструкционистлари” [26].

И.С.Каменецкий, Б.И.Маршак ҳамда Я.А.Шер каби олимлар ҳаммуаллифликдаги монографияларида [27] археология манбалари, уларнинг типологияси, даврлаштириш ва талқин, археология манбасининг тарихий талқини каби масалаларни атрофлича муҳокама этганлар.

Ж.К.Гарден фикрича, талқин (интерпретация) ни танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш ва икки соҳага бўлиш мумкин – этномаданий ва социологик. “Биринчи соҳада ўрганилаётган обьектларни вужудга келтирган этномаданий алоқалар, этник дахлдорлик, инсонларнинг турмуш тарзи ва

хўжалиги реконструкцияси масалалари кўриб чиқилади. Социологик талқин соҳасида эса қадимги жамиятларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ғоявий тизимларини реконструкция қилиш масалалари кўриб чиқилади. Ушбу жараён археологик материаллар асосида олиб борилади ва улардаги умумийлик ва хусусийлик аниқланади” [28, 163].

В.М.Массоннинг нуқтаи назарига кўра, археологик маълумотлар таҳлили асосида қадимги давр жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий, маънавий ҳаёти тарихини реконструкция қилиш мумкин [29, 54].

Қадимги давр кишилари турмуши ва хўжалигини қайта тиклашда археология маълумотлари билан бир қаторда этнография маълумотларининг ҳам ўзига хос алоҳида ўрни мавжуд. Замонавий дунёда ибтидоий ҳолатда сақланиб қолган айrim қабилалар ҳаётини тадқиқ этиш орқали қадимги давр жамияти ҳаёти ривожи борасида муҳим маълумотларни қўлга киритиш мумкин [30, 108-125].

Археологиянинг услубияти ва усуллари, инсониятнинг қадим тарихини ўрганишда археологик маълумотларнинг ўрни, анъанавий методлар билан бир қаторда фанлараро услублардан фойдаланган ҳолда тарихий реконструкция қилиш масалаларига бағишлиган илмий тўпламлар [31] ҳам мавзуга оид ёндашувларни таҳлил қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

Қадимги меъморчилик иншоотларининг реконструкцияси масаласида Г.А.Пугаченкова тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Олиманинг мазкур масалага бағишлиган маҳсус илмий изланишлари мавжуд. Г.А.Пугаченкова фикрича, тасвирий ва график реконструкция меъморий-археологик (архитектурно-археологическое) тадқиқотнинг энг муҳим, хulosаловчи қисми ҳисобланади [32, 24-30]. Олиманинг қадимги давр ёдгорликларининг чизмалар асосидаги реконструкциялари айниқса диққатга сазовор.

Археологик маълумотлар асосида тарихий реконструкция масаласи В.М.Массоннинг “Исторические реконструкции в археологии” номли монографиясида ҳам таҳлил қилинган. Мазкур китобда археологик тадқиқотларнинг тарихни ўрганишдаги ўрни, қадимги давр маданий ва ижтимоий ҳаёт реконструкцияси методологияси борасида

қимматли маълумотлар берилган. Мазкур монография археологияда тарихий реконструкция масаласининг назарий масалалари таҳлил қилинган муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

А.Асқаровнинг ҳаммуалифликда эълон қилинган монографияси [33, 143-145] да тарихий реконструкция масаласига оид қимматли маълумотлар учрайди. Мазкур монографияда археологиянинг назарий масалалари, тарихий жараёнлар реконструкцияси таҳлил қилинган. Археологик маълумотларни таҳлил қилиш методлари, артефактлар орқали қадимги давр тарихини реконструкция қилишнинг имкониятлари атрофлича кўриб чиқилган. Сополлитепа ва Жарқўтон материаллари асосида тарихий реконструкция масалалари (ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, демографик жараёнлар реконструкцияси) таҳлил қилинган.

И.В.Пьянковнинг ҳам тарихий реконструкция йўналишидаги муҳим тадқиқотлари [34, 3-23; 35, 334-347; 36, 132-135] ни қайд этиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда Ўрта Осиёда давлатчиликнинг шакланиши масаласи, ижтимоий муносабатлар реконструкцияси, зардуштийликнинг шакланиши каби масалалар атрофлича кўриб чиқилган.

Археологик ёдгорликларнинг географик жойлашувига кўра, шунингдек, қадимги давр маданий ва савдо алоқаларини қиёсий ўрганиш орқали қадимги миграциялар ва савдо йўлларини реконструкция қилиш мумкин. Яна бир диққатга сазовор тадқиқотлардан бири – бу, археологик ёдгорликларнинг хариталарига, аэрофотосуратларига асосан муайян тарихий-маданий вилоятларнинг табиий гидрографияси ҳамда сунъий суғориш тизимларини (худудларини) реконструкция қилиш ҳисобланади [37, 37-41]. Мазкур йўналишлардаги тадқиқотларни тарихий-маданий воҳалар кесимида олиб бориш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Умуман олганда, тарихий реконструкция масаласини ёритиша асос ҳисобланган тадқиқотларда уч хил ёндашувни кузатиш мумкин:

1. Археологик маълумотлар асосида қадим ўтмишни ёритган (қайта тиклаган) тадқиқотлар (мазкур ишлар асосан археологик нуқтаи назардан яратилган).

ТАРИХ

2. Археологияда тарихий реконструкция масаласи алоҳида мавзу сифатида таҳлил этилган тадқиқотлар.

3. Инновацион ёндашув (замонавий ахборот технологиялар) асосида археологияда тарихий реконструкция масалалари таҳлил қилинган тадқиқотлар.

Инновацион ёндашув (замонавий ахборот технологиялар) асосида археологияда тарихий реконструкция масалаларини ўрганиш муҳимдир. Сўнгги йилларда тадқиқотларда географик ахборот тизимлари (ГАТ), археологик ёдгорликларнинг реконструкциясида уч ўлчамили моделлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мазкур масалага Ўзбекистонда хукумат даражасида эътибор қаратилмоқда, шунга кўра инновацион ёндашув асосида тарихий реконструкция масалаларига бағишинган тадқиқотларни олиб бориш давр талабидир. Аммо мазкур масалага маҳсус, алоҳида тұхталишни мақсадга мувоғиқ, деб биламиз.

Демак, археология маълумотлари асосида қадимги жамиятлар хўжалиги, ижтимоий-иктисодий ҳаёт, ҳунармандчилик ихтисослашуви, айирбошлиш ва савдо-сотиқ,

меъморчилик ривожи, палеодемография, дафн маросимлари, этномаданий жараёнлар, илк шаҳарлар ва давлатлар шаклланиши хусусиятлари ва бошқа шу каби масалалар тарихини таҳлил этиш ҳамда реконструкция қилиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, тарихий реконструкция жараёнида археология ва ёзма маълумотлардан ташқари тадқиқотчилар томонидан палеогеография, палеоботаника ва палеоология манбаларидан (ўсимликлар турлари, ёввойи ва хонакилаштирилган ҳайвонларнинг зотларини аниқлаш натижалари) фойдаланилган, тош ва суяқдан ишланган қуролларни ўрганишда трассология – микроанализ услуби, меъморчиликни қайта тиклаш усуллари қўлланилган, металл қуролларнинг кимё таркиби, уларга ишлов бериш жиҳатлари ўрганилган. Аммо замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш (GPS – жойлашувни аниқлаш, 3D моделларни яратиш) нисбатан яқин вақт оралиғида бошланиб, уларнинг имкониятлари тарихий реконструкция йўналишидаги тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан // O'zbekiston arxeologiyasi. №1. – Самарқанд, 2010.
3. O'zbekiston tarixi. Oliy o'quv yururlarining tarix fakulteti talabalari uchun darslik / Mas'ul muharrir A.S.Sagdullayev. – Тошкент: VNESHINVESTPROM, 2019.
4. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976.
5. Проблемы реконструкций в археологии / Отв. редакторы Р.С.Васильевский, Ю.П.Холюшкин. – Новосибирск: Наука, 1985.
6. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 59-66.
7. Коробкова Г.Ф. Применение метода микроанализа к изучению функций каменных и костяных орудий. Археология и естественные науки // МИА. – М., 1965. -№ 129.
8. Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. – Л., 1971. № 180.
9. Сагдуллаев А.С. Актуальные проблемы древней истории Центральной Азии // Формирование историко-культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии. – Т., 2018.
10. Сагдуллаев А.С., Шайдуллаев А.Ш., Тоғаев Ж.Э. Археологик ёдгорликларнинг географияси ва картографиясига доир айrim масалалар // Қадимги Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). – Жиззах, 2019.
11. Аюбов А.Р. Этнокультурные процессы Ферганы и Согда в древности // Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Гуманитарные науки. 2018. №1 (54). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ethnokulturnye-protsesssy-fergany-i-sogda-v-drevnosti> (дата обращения: 04.04.2020).
12. Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Историко-этнографические области (проблемы историко-этнографического районирования) // СЭ. 1975. -№ 3.
13. Массон В.М. Исторические реконструкции в археологии. – Самара, 1996.
14. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1990.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
16. https://ru.wikipedia.org/wiki/Историческая_реконструкция
17. Ларина Т.М. Методологические проблемы исторической реконструкции: Автореф. дис.... канд. филос. наук. – Куйбышев, 1984.
18. <http://annales.info/other/small/kleyn93.htm>

19. Daniel G.E. A hundred years of archaeology. – London. 1950.
20. Амальрик А.С., Монгайт А.Л. Что такое археология. – М., 1957.
21. Буряков Ю.Ф. К 70-летию кафедры археологии Средней Азии НУУЗ им. Мирзо Улугбека // Традиции древней и средневековой городской культуры Средней Азии. – Т., 2010.
22. Kroeber A.L. Archaeology // Encyclopedia of the Social Sciences. Volume 2. – New York: The Macmillan Co., 1937.
23. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент: LESSON-PRESS, 2019.
24. Clark J.T. The Fallacy of Reconstruction // Cyber-Archaeology. Edited by Maurizio Forte. Oxford. British Archaeological Reports, 2010.
25. Binford L.R. Archaeological perspectives // New perspectives in Archaeology. – Chicago: Aldine Publishing CO. 1968.
26. Schlereth T.J. Material Culture Studies in America, 1876-1976 // Material Culture studies in America: An Anthology. 1981.
27. Каменецкий И.С., Маршак Б.И., Шер Я.А. Анализ археологических источников (возможности формализованного подхода). – М.: Наука, 1975.; Изд. 2-е. – М.: ИА РАН, 2013.
28. Гарден Ж.К. Теоретическая археология. – М.: Прогресс, 1983.
29. Массон В.М. Исторические реконструкции в археологии. – Фрунзе: Илим, 1990.
30. Семенов Ю. О методике реконструкции развития первобытного общества по данным этнографии // Этнография как источник реконструкции истории первобытного общества. –М.: Наука, 1979.
https://scepsis.net/library/id_1028.html
31. Теория и археологические методы в археологии. – М., 1982.; Проблемы реконструкций в археологии / Отв. редакторы Р.С.Васильевский, Ю.П.Холюшкин. – Новосибирск: Наука, 1985.; Archaeological theory in the Europe. The last three decades. – London-New York, 1991.; Новые материалы и методы археологического исследования: От археологических данных к историческим реконструкциям. Материалы IV конференции молодых ученых. – М.: ИА РАН, 2017.
32. Пугаченкова Г.А. К проблеме архитектурной археологии в изучении зодчества Средней Азии // Краткие сообщения Института археологии АН СССР. Вып. 172. – М. 1982.
33. Аскаров А.А., Буряков Ю.Ф., Квирквелия О.Р., Радилловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. – Т.: Фан, 1988.
34. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. – М., 1996.
35. Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии (опыт исторической реконструкции) // Древние цивилизации Евразии. История и культура. – М., 2001.
36. Пьянков И.В. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторической реконструкции) // Центральная Азия. Источники, история, культура: Тезисы докл. конф. – М., 2003.
37. Галиева З.С. Опыт реконструкции древних оросительных систем Самаркандинского Согда дистанционными методами // Древние цивилизации на Среднем Востоке. Археология, история, культура (Материалы международной научной конференции, посвященной 80-летию Г.В.Шишиной). – М., 2010.

(Тақризчи: М.Исомиддинов - тарих фанлари доктори, профессор).